Энг муҳими, улар мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси кўп асрлик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг турли йўналишларини ўзидан ҳужжатли тарзда акс эттиргани билан қадрлидир.

Мустиқиллик йилларида архив иши — архив ҳужжатларини бутлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва айниқса, улардан ўтмишимиз ва бугунимизнинг турли йўналишларини ўрганиш натижаларини жамотчиликка етказиш йўлида фойдаланишда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Айни пайтда архив соҳасида улкан ютуқ ва имкониятларга эгаллигимиз билан бир қаторда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас, албатта.

Хусусан, миллий қонунчилигимизда архив ва архив иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда архив соҳасига оид асосий тушунчалар, хусусан, «алоҳида қимматли ҳужжат», «идоравий архив», «иш юритиш», «Миллий архив фонди», «Миллий архив фондининг давлат каталоги», «ноёб ҳужжат», «суғурта нусха», «шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар», шунингдек, архив ҳужжатларига бўлган мулк шакллари ва архивларни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тўлақонли равишда ҳуқуқий таъминлаш имконияти мавжуд эмас эди.

«Архив иши тўғрисида»ги янги қонун мазкур соҳанинг тўлақонли равишда ҳуқуқий асосини яратди, десак, муболага бўлмайди. Ушбу қонун 6 боб ва 36 моддадан иборат бўлиб, архив иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Чунончи, «Умумий қоидалар» деб номланган 1-боб бешта моддадан иборат. Қонуннинг 3-моддаси асосий тушунчаларга бағишланиб, унда «алоҳида қимматли ҳужжат», «архив», «архив иши» каби тушунчалар ёритиб берилган.

«Архив ҳужжатларига бўлган мулк шакллари» 4-моддада фойдаланган бўлиб, архив ҳужжатлари хусусий ҳамда оммавий мулк шаклларида бўлиши, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида турган архив ҳужжатлари, шунингдек, улар томонидан давлат архивлари, музейлари ва кутубхоналарида топширилган архив ҳужжатлари давлат мулки ҳисобланиши ҳамда мазкур ҳужжатлар давлат та-

сарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олди-сотди ёки мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бошқа битимлар объектлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Қонуннинг 2-боби «Архив иши соҳасидаги давлат бошқаруви» деб

ҳамда қонун ҳужжатларига мурофиқ бошқа ваколатларни ҳам бақаришига оид қоидалар мустақамланган.

Етти моддадан иборат «Миллий архив фонди» деб номланган 3-бобда миллий архив фондининг таркиби, архив ҳужжатларини Мил-

нидан белгиланади. Шунингдек, махфий архивлар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

5-боб «Архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш» деб номланиб, ушбу бобда архив ҳужжатларини жамлаш, ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизаси, архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, архив ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари, архив ҳужжатларининг бут сақлашнинг таъминлаш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш, архив ҳужжатларини кириб қўриш, архивлар ва идоравий архивлар томонидан кўрсатилган хизматлар, архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартибига доир меъёрлар ўз аксини топган.

6-бобда «Яқунловчи қоидалар» ифодаланган. Қонуннинг 30-моддаси архивларни молиялаштириш ҳақида бўлиб, ушбу моддада давлат архивларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мустақамланган.

Бундан ташқари 31-модда архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, 32-моддада ушбу соҳага доир низоларни ҳал этиш, 33-моддада архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби меъёрлар ўз аксини топган.

«Архив иши тўғрисида»ги қонун миллий ва халқаро қонунчилик амалиёти тажрибасида назарда тутилган ёндошувларга ҳам асосланган. Бундан ташқари мазкур қонунни тайёрлашда бир қатор ривожланган мамлакатлар қонунчилиги, хусусан, Франция, Австралия, Россия, Латвия ҳамда Хорватиянинг архив билан боғлиқ қонунчилиги, шунингдек, МДХнинг «Архивлар ва архив фондлари тўғрисидаги» Намунавий қонунининг ижобий жиҳатлари эътиборга олинганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хулоса қилиб айтганда, «Архив иши тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши соҳани тизимли ўрганиш ва такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Олимжон КОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Huquq va burch

Бурч ва масъулият

уни ўз вақтида адо этиш ҳам фарз, ҳам қарзидир

Маълумки, юртимизда иқтисодий барқарорликни таъминлайдиган, корхоналар ривожланишини рағбатлантирадиган мукамил солиқ сиёсати амалга оширилмоқда. Айни жараённинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда. Жумладан, 2008 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексига кўзда тутилган меъёрлар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролинни кучайтиришга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятни янгилаш, иқтисодиётнинг жадал тараққиётини ва унинг макроектсий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштирди.

Шундай бўлишига қарамай, тadbиркорлар орасида солиқ тўлашдан бўйин товлашга уринаётган кимсалар ҳам учраб туради. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада 2010 йилнинг 1-чорада жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан 39 нафар шахсга нисбатан 25 та жиноят иши қўрилган ва етказилган зарар ундириб олинган. Жумладан, фуқаро К.И. 2008 йилда «Барака экспресс инфо» хусусий корхонасини ташкил этган.

У 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи ярмида Избоскан тумани Тўртқул қишлоғида жойлашган савдо дўкони орқали қарийб 364 миллион сўмлик чакана савдонини амалга оширган. Савдодан тушган нақд



пулнинг бор-йўғи 32 миллион сўми назорат касса машинасидан ўтказилиб, банкка топширилган. Қолгани эса...

Шунингдек, К.И. 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи ярмида давлат солиқ идорасига тақдим қилган ҳисоботида товар айланмаси ва бажарилган ишлар ҳажмини 376,9 миллион сўмга камайтириб кўрсатган. Натижада 18.888.300 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган.

Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Избоскан тумани бўлими бошлигининг қарорига асосан «Ба-

рака экспресс инфо» хусусий корхонасида текширув ўтказилганда унинг барча қилмишлари фош этилди.

Суд ушбу ишни атрофлича қўриб чиқиб, айбдорни Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми ва 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбдор деб топди. Ундан тўланмаган солиқлар ундирилиши белгиланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди ҳамда икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ тўлаш — ҳар бир фуқаронинг бурчи. Кимки ҳалол меҳнат қилиб, солиқ тўловларини ўз вақтида адо этса, албатта, у юртимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшган бўлади. Ўз қилмиши билан давлатга зарар етказётганлар эса қонун олдида жавоб беришади.

Талъатбек МЕЛИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг судьяси

Yangi qonun mohiyati

Архив иши тизими

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди



номланиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг, «Узархив» агентлигининг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Жумладан, қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган бўлиб, унда миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг сақла-ниши учун лозим даражадаги шарт-шароитлар таъминлаши; миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган архивлар ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш; тегишли ҳудуддаги давлат архивларини молиялаштириш миқдорини ўз ваколатлари доирасида белгилаши

ли архив фонди таркибига киритиш, чиқариш, миллий архив фондининг давлат каталогини юритиш, миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркиби ҳамда давлатга тегишли бўлмаган қисми таркиби, миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларининг фуқаролик муомаласи хусусиятларига оид меъёрлар ўз аксини топган.

Қонуннинг 4-боби тўрт моддадан иборат бўлиб, у «Архивларни ташкил этиш» деб номланган. Мазкур бобдаги 16-моддага мувофиқ, архивларни ташкил этиш учун архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник база, шу жумладан, бино (хоналар), зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари ҳамда ёнгина қарши воситалар бўлиши шарт. Архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқариш намунавий меъёрлари Вазирлар Маҳкамаси томо-

Munosabat

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Суд статистикаси маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ўта оғир жиноятлар учун судланиш ҳолатининг пасайиш тенденцияси кузатилаётган. Бу ижобий ўзгаришларнинг асосий сабаби, шубҳасиз, суд ҳуқуқ ислохотлари жараёнида айрим жиноий қилмишларнинг декриминализация қилинганлиги, ярашув институтининг жорий этилгани ва амнистия актининг фаол қўлланаётгани билан боғлиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, илгари амнистия актини қўллаш масаласи суриштирув, дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанцияси, шунингдек, суд қарорларини ижро этиш босқичида ҳал этиларди. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилётган ислохотларнинг янги босқичи сифатида 2008 йилдан бошлаб ишнинг судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ваколати



судлар иштиёрига ўтказилди ва шу муносабат билан, 2008 йил 22 декабрда қабул қилинган қонунга мувофиқ, Жиноят процессуал кодексига янги — 63-боб киритилди. Амнистия актларининг қўлланилиши инсон ҳуқуқ


таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, одил судлов ишларининг сифатини янада ошириш мақсадида 2010 йил 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори суд қонунчилиги ҳужжатларини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, шу жумладан, судлар фаолиятида ушбу мезонга қатъий риоя этилмоқда.

Нуриддин ТҲЛИЕВ,
Олий суд катта консультанти

етар муродга

ёмон ниятли қолар уятга



Бирок ҳеч қандай аёлнинг дарағи чиқмади. Эҳтимол, адашиб қолган-деган илҳижда икки кун йўлга қарашди. Аммо аёл исзис гоийб бўлганди. Шундан сўнг у қолдирган сумкани

очиб қарашди: унда бир жұфт аёллар пойабзали, парфюмерия буюмларидан бошқа нарса-нинг ўзи йўқ экан. Шундагина улар фирибгарнинг алдовига «чув» тушишганига ишонди. Жабранувчи Д.Жақимова рўй берган воқеа юзасидан икки ишлар идорасига шикоят қилди.

Жабранувчининг ишончини қозониб, сўнг унинг бойлигини қўлга киритган аёлга нисбатан қидирув ва суриштирув ишлари бошланди. Аста-секин ҳаммаси ойдинлашди. Ҳозир Гулнеҳра деб таништирган аёл асли-

да фирибгарлик жиноятини содир этиб, муқаддам тўрт марта суднинг қора курсисига ўтирган хавфли рецидивист Матлуба Ёдгорова бўлиб чиқди.

Авалгига одамларнинг ишончини қозониб, сўнг «чув» тушириб кетишнинг устаси М.Ёдгорова 1974 йили Бухоро туманида туғилган. Матлуба содда, ишонувчан одамларни алдаш, ишончига кириб, уларнинг пешона тери эвазига тоналган бойликларини эгаллашни ўзига касб қилиб олган.

Қолаверса, бу фирибгар аёл кейинги тўққиз йил ичида тўрт марта суд ҳукми билан қонуний жазага тортилган, аммо қўзи очилмаган экан. Холбуки, унга нисбатан қилмишларидан тўғри хулоса чиқаргандин, яъни жазонинг қолган қисми шартли синалганга алмаштирилган эди. Бирок М.Ёдгорова ўзига берилган имконият, кўрсатилган мурувватдан тегишли хулоса чиқариб олмади.

Ҳозир Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбланиб, судга берилган М.Ёдгорованин жиноят иши мазмунан қўриб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди шу йил 5 апрелда М.Ёдгорованига ўғрилик жиноятини

учун тайинланган жазони қисман қўшиб ўташ учун қатъий опти йилу уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Бу ҳаёда ҳар бир кишини, аввало, эзгу савий-ҳаракатлари, инсоний фазилятлари улуғлайди. Айниқса, аёл деганда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тарайдиган, оиламизга фойда қиритадиган умр йўлдошимиз, оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз гавдаланади. Шунинг учун бу ҳаёда аёл муқаррам эод сифатида эъзоллаб келинади. Матлуба ҳам шундай бахтга муносиб эди. Бунинг учун у эрининг топганига қаноат қилиши, ўзини хонадоннинг фариштааси деган номга муносиб тутиши керак эди. Аммо у ана шундай бахтининг қадрига етмади. Бойлик орттиришининг нопок йўлини танадди. Бундай нопок мақсад уни тўғри йўлдан адаштириб юборди.

Эгри йўл кишини ана шундай қўйларга солади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Тўлқинжон КОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси
Абдухамид ХУДОБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Мерос бошқарувчиси

нотариус томонидан тайинланади

Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига кўра, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Агар васиятнома мавжуд бўлмаса, ворислик қонун бўйича амалга оширилади.

Бундай васиятда меросхўрлар ворисликка Фуқаролик кодексига қайд этилган тартибда қақиредадилар. Мазкур кодекснинг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1144-моддаси 3-банди талабига биноан, меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бири ёки бир нечта вориснинг илтимосига кўра, мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинлана-



ди. Мерос бошқарувчиси тайинланишига ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр мерос бошқарувчиси тайинланишига қарши судга мурожаат қилиши мумкин.

Усмон ШАРИПОВ,
Нарпай туман 1-сон давлат нотариал идораси давлат нотариуси

Jinoyat va jazo

Одатда, бўйинбоғ тақиб, башанг кийинган ҳолда қўлда папка қўтарган кишини қўрганлар уни бирон-бир идоранинг масъул ходими бўлса керак, деган фикрга боради. Ҳ. Бўриев ҳам, аслида бирон-бир жойда тузуқ қуруқ фаолият юритмасда, доимо шундай қиёфада юрарди. Бунинг устига у давраларда ўтириб қолса, ўзини катта одамдек тутиб, атрофдагиларга панд-насихат ҳам қилиб қўярди.

Асосиз ваъдага ишонманг

шунда фирибгарлик барҳам топади

Аслида Ҳ.Бўриев тайинли бир ишининг бошини тутмади. Охир-оқибат эса, осон пул топиш пайида жиноий қилмишга қўл ўрди ва 2006 йилда жиноят ишлари бўйича Қосонсой тумани суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. 2007 йил 30 ноябрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор унинг жонига ора қирди ва Ҳ.Бўриев жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинди.

Шундан сўнг ҳам Файрат бу бағрикенглик ва имкони-

ятдан тўғри хулоса чиқариб олмади. 2009 йил июнь ойида Ҳ.Бўриев Андижон вилоятидан Наманганга қайтаётганда, йўлда Олтинқўл туманида автобусдан тушиб қолди. Албатта, бу бежиз эмас, у ўзини бир «режа» тузиб олганди.

«Катта Оқтепа» маҳалласига боради ва маҳалла раиси А.Саъдуллаев билан учрашаркан, ўзини «Вилоят-электротраммилар» корхонасининг иш юритувчиси, деб таништирди.

— Ташкилотимизда мамлакатимиз ҳудудида ноқонуний олиб кирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан мусодара қилинган турли хил товарлар сақланади, — дея гап бошлади

(Давоми тўртинчи бетда)

2010-йил — Баркамол авлод йили

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Конституцияда ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим қондалар белгиланган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг давлатимиз томонидан ратификация қилиниши ҳам юртимизда ёш авлод ҳуқуқ ва

таъминлаш кўп жиҳатдан ҳуқуқий билимлар тарғибига боғлиқ. Шу боис ҳам мактаб ва коллежларимизда, маҳалла фуқаролар йиғинларида, соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни оширишга оид тадбирлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда баркамол авлодни воёга етказиш

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, эзгу ишларимизнинг давомчилири, эртанги кунимизнинг эгалари, Ватанимиз, миллатимиз келажаги бунёдкорлари бўлмиш ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб воёга етишлари барчамизнинг бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ғайрат кўрсатишимизга бевосита боғлиқдир.

Эзгу ишлар рағбати

манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этгани ҳам туманда ёш авлод камолоти йўлида қилинажак ишларнинг аҳамияти катталаниб кетган далолат беради. Туманимизда 75 та умумтаълим мактаби бор. Ушбу таълим даргоҳларида 27 мингдан зиёд ўқувчи билим олади. Иккита коллежда олти мингга яқин ўқувчи ўзлари қизиққан соҳалар бўйича касб-хунар сирларини ўрганмоқда.

Давлатимиз томонидан юртимизда таълим тизимига катта эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиши учун зарур шарт-шароит яратилаётганининг ёрқин ифодасини туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Замонавий талаблар асосида барпо этилаётган, шунингдек, тўлиқ таъмирдан чиқарилаётган мактаблар, спорт-соғломлаштириш масканлари, болалар санъат ва спорт мактаблари ёшларимизнинг билимни, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган, Ватанига содиқ, соғлом, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан тўлиқ йигит-қизлар бўлиб воёга етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятда қонун устуворлигини



зиш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлиги каби долзарб масалалар муҳофиза этилиб, тегишли мутахассисларнинг фикрлари тингланмоқда.

Зотан, яқдиллик, ҳамжихатлик, улуғ мақсадлар сари собиблик билан олға юриш юртини, миллатни юксалтирадиган энг кучли омилдир.

Улугбек БЕКБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани давлат нотариуси

Қонун бarchага баробар

Ерга эътибор — элга эътибор

Инсон ва табиатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу бонем тушунган одам учун табиат, ундаги неъматларнинг қадри бекиёсидир. Ахир, ерни боқсанг, ер сени боқадми, деб бежиз айтишмаган.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса, умуммиллий бойлигимиз бўлган ер ва сувни асраш борасида кенг қўламли ишловлар ўтказилди. Натижада ер ҳақиқий эгасини топди, деҳқонда меҳнати самарасига ишонч туйғуси шаклланди. Эндиликда фермерларимиз ўзларига ажратилган ерлардан оқилона фойдаланаётирлар.

Базми бир лоқайд кимсалар эса, қўра-била туриб, табиатга зиён етказадми, мавжуд қондаларга бепасанд қарайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судида кўриб чиқилган қуйидаги иш ҳам фикримизни исботлайди. Маълум бўлишича, Янгийул туманидаги «Артиков Исмаилов» фермер хўжалиги раҳбари Ж.Самадов мавжуд меъерларга амал қилмай, ерга зарар етказган. Даъвогар Янгийул тумани прокуратураси, Табиатни муҳофаза қилиш Тошкент вилояти қўмитасининг манфаатларини қўлаб, суддан ерга етказилган 496,188 сўм зарарни Ж.Самадовдан ундириб беришни сўраган.

Маълум бўлишича, Ж.Самадов ҳеч кимга билдирмай, галладан бўшаган 7 гектар майдондаги сомон поясини ёқиб юборган. У бу хатти-ҳаракати билан Президентимизнинг 2009 йил 19 майдаги «2009 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган майдон



донларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуннинг 20-моддаси талабларини бузган.

Ушбу иш бўйича барча ҳолатларни батафсил ўрганиб чиққан судлов ҳайъати «Артиков Исмаилов» фермер хўжалиги раҳбари Ж.Самадовдан етказилган зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Табиатни асраш, ер унумдорлигини сақлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, бу йўналишдаги ишларга бепарволик, лоқайдлик қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, далаларда етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ер майдонларини кўз қорачигидай асраш бурчимиздир.

Зафар МИРЗАҚУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси
Ихтиёр КАЛОНОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси катта прокурори

Hikmat

ДОНОЛАР ДАВЛАТЛАРКИ

Дўстлик — ҳаётда муҳим нарса, чунки умри роҳат-фароғатда ўтса ҳам, ҳеч ким ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди.

Халоллик, тўғрилик — катта бахт.

Ҳақиқатни севиш уни топишининг энг қулай шартидир.

Жасорат, одатда, кўнгличаллик билан ёнма-ён юради ва шу сабабдан мард одам бошқаларга қараганда ҳимматлироқ бўлади.

Саҳий бўлиш осон, қийини — адолатли бўлиш.

Бутун ҳаёт давомида донишмандлик баҳш этадиган энг муҳим бахтиёрлик дўст қалбини топа билшидир.

Зое кетган ҳар бир дақиқа бой берилган иш, бой берилган фойдадир.

Келишини қутиб, тоқати-тоқ бўлган Ф.Х. охири-охири алданганини тушунадми...

Албатта, ҳар қандай жинсий қилмиш жазосиз қолмайди. Хусусан, Ф.Бўриевнинг жинсий хатти-ҳаракатлари ҳам қонуний баҳо берилди.

Шу ўринда бу воқеалар баёнига яқун ясаасак ҳам бўларди. Бироқ Ф.Бўриевнинг юқорида қайд этилган қилмишлари билан танишган кишининг кўнглида айрим мулоҳазалар туғилиши табиий.

Гап шундаки, Ф.Бўриевнинг алдовига унганларнинг бари оқ-қорани таниган, ҳаёт тажрибасига эга, зиёли кишилар. Таассуфки, улар арзонга учиб, оқибатини чуқур ўйламасдан фибрибгарнинг хийласига осонгина алданшиди. Шундан ҳам маълум бўладики, фибрибгар кимсаларнинг «фаолият»ида бошқаларнинг ҳам қисман бўлса-да, айби бор. Бошқача айтганда, ҳар бир ишни пишиқ-пухта қилмаслик, асоссиз ваъдаларга ишонмиш фибрибгарларнинг тегирмонига сўз қуйишдан бошқа нарса эмас. Холбуки, «Узингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўрни тутма», деганларидай, киши, аввало, синашга бўлмаган, бегона кишига ишониб, сўнг афсус билан бош чангаллаб қолмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, фибрибгарларнинг пайини қирқидиша жоматчиликнинг бевосита кўмаги муҳим ўрин тутди.

Эркин ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Изобоскан тумани судининг раиси

Jinoyat va jazo

Асоссиз ваъдага

ИШОНМАНГ шунда фибрибгарлик барҳам топади

қарангки, у бунинг ҳам уддасидан чиқди. Йўлда кетаётиб, ҳайдовчининг касалхонага кириб-чиқишим керак, деган гапи ёдига тушиб қолди.

— Сиз ҳам ҳайдовчи билан касалхонага бориб ишни битириб қайтаверинг. Мен унганча бозордан омордагиларга ул-бул нарса сотиб оламан, — деди Ф.Бўриев маҳалла раисига.

— Майли, — дея маҳалла раиси рози бўлди. — Кейин қерда кўришамиз? — Шу атрофда, — деди Ф.Бўриев машинадан тушаркан.

Ғайрат уларга қўл телефони рақамини бериб, машинадан тушиб қолди. Орадан бироз фурсат ўтгач, А.Саъдуллаев ҳайдовчи билан касалхонадаги ишнинг битириб, келишилган жойга қайтиб келди. Бироқ Ф.Бўриевнинг қораси кўринмасди. А.Саъдуллаев кутавериб тоқати тоқ бўлгач, Ғайратга бир неча бор кўнгирик қилди, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шундан сўнггина улар алданганини


тушуниб етишди... Ф.Бўриев эса ўзининг жинсий қилмишини давом эттириб, фуқароларни алдашда давом этди. У Наманган туманида жойлашган «Хизмат кўрсатиш ва сервис» коллежи ўқитувчиси Н.Х.нинг 100.000 сўмлик, Чуст туманидаги қишлоқ врачлик пункти ходими И.Э.нинг 111.000 сўмлик, Бўя туманидаги «Бўя қурилиш коллежи» ўқитувчиси Ф.Т.нинг 140.000 сўмлик пластик қарточкаларини алдов йўли билан қўлга киритади.

Шундан сўнг Ф.Бўриев Андижон вилоятининг Изобоскан туманига йўл олади. У туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Ф.Х.га телевизор олиб беришни ваъда қилиб, унинг 472.000 сўмлик пластик қарточкасини олиб кетади. Ф.Бўриевнинг телевизор олиб

ALOQABANK

15 ЙИЛ
банк хизматлари бозорида

Жисмоний шахслар учун ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ



Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.aloqabank.uz
aloqauz@uzpak.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

G'aroyib olam

Сирли алоқалар таъсири

(Давоми. Бошланиш ўтган сонда)

Полиция маҳкамасига Том Пентон исмли кимса кўнгирик қилиб, одам ўлдириб қўйганини маълум қилди. Қотиллик содир этилган жойга етиб келган изқуварлар Мэтью Дуглас ва Жозеф Росс «қуролни» кўриб, ҳайратда қолишди. У қалла суяги эди. Қотил бош чаного билан қурбонининг калласини пақоқлаган. Хона каттагина бўлиб, жавонлар китобга тўла эди. Столда ва атрофда қон сачраган.

Хонани кўздан кечиришган изқуварлар қўшни хонада ўтирган қотилнинг ёнига ўтишди. Том Пентон қирқларга кирган, орик, юзи чўзинчоқ ва сочлари жуда сийрак киши экан. Том кўзини бир нуқтага тиканчича жуда хоמוш бўлиб ўтирарди. Ташқи кўринишидан қотилга сира ўшамасди.

— Крис Вебернинг ўлими ҳақида полицияга сиз кўнгирик қилдингизми? — сўради Росс. — Ҳа, мен. — Нима учун? — У менга таҳдид сола бошлади. — Марҳумат қилиб, нима бўлганини батафсил сўзлаб берсангиз.

— Яширадиган сирим йўқ, кейин адвокат ҳам керак эмас менга, — паст овозда гап бошлади Пентон. — Дастлаб, ҳаммасини боқинчининг ишига ўхшатиб кўрсатмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ бундан бир иш чиқмаслигини англаб, фикримдан қайтдим. Чунки ёлгон гапиролмайман.

— Нега энди қурол сифатида қалла суягидан фойдаландингиз? Айтганча, уни қардан олдингиз? — Вебернинг ёзуви столи оқсидидаги жавондан. Урганида Крис курсида ўтирган эди. — Вебер қалла суягини ҳаммага кўринадиган жойга қўйиб қўйган эди, демоксиясиз, шун

дайими? — ишонқирамай сўради Дуглас. — Нима учун?

— Унинг жуда ғалати одатлари бор эди. Хонасига кирганларни лол қолдиришни яхши кўрарди. Иккинчидан, ўзининг айтишича, қалла суяги унинг учун «memento mori» қабилидаги гап эди.

— Қанақа гап? — Лотинчада бу «ўлимни унутма» деганидир. Вебер антрополог олим, топилмалар орасидан мўмайгина гул ишлашни биладиган киши эди. Антропологияга доир қизиқарли китоблари чиққач, уни турли ўқув юртыга маъруза ўқишга таклиф қила бошлашди. Унга тузуккина ҳақ тўлашарди.

— Унинг қотиби бўлиб ишлагансиз, тўғрими? — мавзунини ўзгартирмоқчи бўлди Дуглас. — Ҳа, тадқиқотларимда унга ёрдам берардим, Шу юзасидан ва Мексиканинг бошқа жойларига қилган сафаримда ҳамроҳ бўлганман. Унинг ёзувларини таҳрир қилардим, тартибга солиб, компьютерда кўчирардим. Иш юзасидан ёшамаларини юритардим.

— Анча вақтдан берими? — Саккиз йил бўлди. — Шу бинода яшайсизми? — Ҳа. Бинонинг жанубий қанотида хонам бор.

— Сиз ва хўжайинингиздан бошқа бу ерда яна ким яшайди? — Ҳан ёки, Вебернинг хотини Рейчел бундан бир неча йил аввал уни ташлаб кетган. Бошқа яқин қариндошлари йўқ.

— Қотилликни олдиндан режалаштирганми? — аравлашди Росс. — Йўқ, уни ўлдириб хавлимга ҳам келмаган. — Демак, тортишиб қолгансизлар?

— Тортишиб ҳам қолганимиз йўқ. — Унда нима сабаб бўлди ахир?

Пентон узок жим туриб қолди. Кейин: «Барбир ишонмайсанлар, шу боис буни кучли жаҳл остида қилинган қотиллик, деб расмийлаштириб қўя қолинглар», деди. Росс ва Дуглас унга ишонмасликка сабаб йўқлиги, айбни тан олиш жазони енгиллаштириши ҳақида узок тушунтиришганидан сўнг Пентон ҳаммаси ҳақида гапириб беришга рози бўлди.

— Кеча таниқли бир антропологдан мактуб олдим, — деди у. — Менга ўтиб ишласангиз, катта маош тўлайман, деб ёзибди. Кечаси билан ўйлаб чиқиб, розилик беришга қарор қилдим. Ғайбатда қилинган қотиллик ақсизлик бўларди. Эрталаб бу ҳақда Веберга айтганимда, у режамни бутунлай рад этди. Бошқа жойга ўтсам, тилиمنى тийиб юршишимга ишонмас эмиш! Агар кетсам, мени ўлдирармиш...

— Нимадан тилингизни тийиб юршингиз керак экан? — Бундан олти йил олдин бўлган бир жиноят ҳақида. Тўғрери, Вебернинг Сан-Валлидаги вилласида хотини ва жазани ўлдирилгани ҳақида.

— Хотини уни ташлаб кетган деддингиз-ку ахир?

— Алдаган эдим. Аслида Рейчел ва унинг ўйнашига гаадан захарланган бўлган. Бир кун Вебер эрталаб соат еттида вилласига борадиган бўлиб қолди. Мен ишларим қўлиги боис икки соатлар кейин йўлга чиқдим. Борсам, Крис изолята яланғоч жасад олдида ўтирарди. Аникройи, Рейчел ва унинг жазани олиб ётарди. Вебернинг айтишича, улари шу ҳолатда топилди. Келганда, ҳаммаёқни газ ҳиди туйтиб кетган эмиш. Афтидан, ўйнашлар иссиқроқ бўлиши учун газ печни ёқишган-у, унинг носоз эканини билишмаган.

(Давоми келгуси сонда)
Интернет материаллари асосида
Н.НУРҚУЛОВ тайёрлади.

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мажуда РАҲАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЙОНОВА
Масардин ХАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОВ
Шюнон ФОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Алибек
ЭРГАШЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулida босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-518. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда экин нарҳда. Адади: 6225.
1 2 3 5 Топширилди: 229